

АСОСИЙ СТАВКА БЎЙИЧА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИГА АСОС БЎЛГАН ОМИЛЛАР

2026 йил 29 июль

Бугунги Марказий банк бошқаруви йиғилишида жорий ва кутилаётган ички ҳамда ташқи иқтисодий шароитлар, шунингдек, **янгиланган макроиқтисодий прогнозлар** атрофлича муҳокама қилинди.

Муҳокамалардан келиб чиқиб, Марказий банк бошқаруви томонидан **асосий ставкани йиллик 14 фоиз даражасида сақлаб қолиш** тўғрисида қарор қабул қилинди.

Ушбу қарор инфляцияни ўрта муддатда мақсадли даражага барқарор пасайтириш, инфляцион кутилмаларни жиловлаш ва иқтисодиётдаги юқори талаб шароитида макроиқтисодий мувозанатни сақлаш учун зарур бўлган пул-кредит шароитларининг қатъийлигини таъминлашга қаратилган.

Мазкур қарор қуйидагилар билан изоҳланади.

Биринчидан, инфляциянинг пасайиш динамикаси кутилганидан секинроқ кечмоқда. Июнь ойида тартибга солинадиган нархлар ўзгариши таъсирида умумий инфляция вақтинча тезлашди. Инфляцион кутилмалар биров пасайган бўлса-да, юқори даражада сақланмоқда.

2026 йил июнь ойида **умумий инфляция** даражаси аввалги ойга нисбатан 0,9 фоиз бандга ошиб, **йиллик 6,4 фоизни** ташкил этди.

Бунда ўсиш, асосан, энергия маҳсулотлари (хусусан, *электр энергияси, табиий газ, кўмир ва автомобил учун метан*) нархлари ошиши ҳисобига шаклланди.

Истеъмомл саватининг асосий компонентлари кесимида июнь ойида **озик-овқат товарлари йиллик инфляцияси** ўтган ойга нисбатан 0,4 фоиз бандга пасайиб, **6,3 фоизни** ташкил этган бўлса, **ноозик-овқат товарлари инфляцияси 5,9 фоизгача** ҳамда **хизматлар инфляцияси 7,1 фоизгача** тезлашди.

Базавий инфляция ва унинг асосий компонентлари июнь ойида ўзгаришсиз қолди ва базавий инфляция йиллик **5,7 фоизни** ташкил этди. Шу билан бирга, озиқ-овқатлар базавий инфляцияси бошқа таркибий гуруҳларга нисбатан юқорироқ шаклланди.

Умуман олганда, июнь ойида нархи йиллик 5 фоиздан юқори ошган товар ва хизматлар улуши биров кўпайди.

Шу билан бирга, қайд этиш лозимки, маҳсулотлар таклифини ошириш орқали уларнинг нархларини барқарорлаштириш бўйича Ҳукумат билан биргаликда бир қатор тегишли амалий чоралар кўрилмоқда.

Июнь ойида аҳоли ва тадбиркорларнинг инфляцион кутилмалари биров пасайиб, мос равишда **10,1 фоиз** ва **9,9 фоизни** ташкил этди. Молия экспертларининг инфляцион кутилмалари яхшиланиб, **7,1 фоизгача** пасайди. Бироқ кутилмалар ҳали ҳам инфляциянинг таргет даражасидан юқори бўлиб, уларни барқарор пасайтириш пул-кредит шароитларининг етарли даражада қатъийлигини сақлашни тақозо этмоқда.

Янгиланган макроиқтисодий прогнозларга кўра, 2026 йил якунида **умумий инфляция 6,5 фоиз** атрофида шаклланиши кутилмоқда.

Таркибий ислохотлар ва тартибга солинадиган нархларни бозор тамойилларига мослаштириш даврида айрим нисбий нархларнинг ўзгариши табиий жараён ҳисобланади.

Ушбу шароитда пул-кредит сиёсати чоралари мазкур ўзгаришларни бирламчи таъсирини бартараф этишга эмас, балки уларнинг иккиламчи таъсирларини базавий инфляция ва кутилмаларда мустаҳкамланиб қолмаслигини таъминлашга қаратилади.

Иккинчидан, иқтисодиётда юқори истеъмол ва инвестицион фаоллик сақланмоқда. Бу иқтисодиёт потенциалининг кенгайишига ижобий хизмат қилса-да, қисқа муддатли истиқболда ялпи талабни юқори даражада шаклланишини қўллаб-қувватламоқда.

Айни пайтда, кредитлаш суръатларининг мувозанатлашуви пул-кредит шароитлари трансмиссиясининг таъсирларини намоён этмоқда.

2026 йилнинг биринчи ярмида иқтисодий ўсиш **8,5 фоизни** ташкил этди. Иқтисодий ўсиш кенг қамровли бўлиб, асосий тармоқларда юқори фаоллик сақланмоқда.

Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан иқтисодий ўсишнинг тезлашишига:

- **хизматлар соҳасининг 17 фоизга ўсиши;**
- **саноатнинг 8 фоизга ўсиши;**
- **қурилишнинг деярли 14 фоизга ўсиши;**
- **қишлоқ хўжалигининг 4,7 фоизга ўсиши ҳисса қўшди.**

Биринчи ярим йилликда асосий капиталга киритилган инвестициялар **17,5 фоизга** ўсди. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми **33 фоизга** ўсиб, **12,4 млрд** долларга етди.

Инвестицияларнинг юқори суръатлари иқтисодий фаолликни қўллаб-қувватламоқда ва янги ишлаб чиқариш қувватлари яратилиши орқали ўрта муддатли истиқболда товар ва хизматлар таклифини кенгайтириш учун замин яратмоқда.

Шу нуқтаи назардан, иқтисодий ўсиш суръатларини барқарор юқори даражада сақлаб қолиш жалб қилинаётган инвестицияларнинг самарадорлиги ва меҳнат унумдорлиги ошишига боғлиқ бўлади.

Юқори иқтисодий фаоллик фонида ялпи талаб ҳам юқори сақланмоқда. Бу инвестициялар, бюджет харажатлари, туризм, хизматлар экспорти ва пул ўтказмалари динамикасида намоён бўлмоқда.

Шу билан бирга, йил бошидан буён қатъий пул-кредит шароитлари ва макропруденциал чоралар таъсирида кредитлаш ўсиши мувозанатли шаклланди.

2026 йилнинг биринчи ярмида тижорат банклари томонидан иқтисодиётга ажратилган кредитлар ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **5 фоизга** ошиб, **191 трлн** сўмни ташкил этди.

Миллий валютада ажратилган кредитлар ҳажми **2,2 фоизга** қисқарган бўлиб, асосий пасайиш аҳолига ажратилган микроқарзларда кузатилди. Бу макропруденциал чоралар таъсирининг айрим кредит сегментларида намоён бўлаётганини кўрсатади.

Натижада иқтисодиётдаги жами **кредит қўйилмалари қолдиғи** йиллик **12,9 фоизга** ошиб, 1 июль ҳолатига **699 трлн**

сўмга етди. Бунда **миллий валютадаги** кредитлар қолдиғи **16,9 фоизга** ошди.

2026 йилнинг биринчи ярмида **олтинсиз экспорт 31,7 фоизга** ўсди. **Импорт** ҳажми йил бошидан **21 фоизга** ошди. Импорт ошишига якуний истеъмолад ва инвестицион товарлар импорти асосий ҳисса қўшди.

Истеъмол фаоллигини қўллаб-қувватлаётган муҳим омиллардан бири **туризм соҳаси** бўлиб қолмоқда. Жорий йилнинг январь-июнь ойларида Ўзбекистонга ташриф буюрган туристлар сони **6,7 млн кишига** етиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **25 фоизга** юқори бўлди.

Жорий фискал шароитларда ижобий тенденциялар шаклланмоқда. Дастлабки маълумотларга кўра, биринчи ярим йилликда **давлат бюджети 1,8 трлн сўм профицит** билан ижро этилди.

Шу билан бирга, даромадлар ошиши ҳисобига фискал харажатлар йил бошидаги режага нисбатан сезиларли даражада юқорироқ бўлиши кутилмоқда. 2026 йил якунида умумий фискал тақчилликнинг ЯИМга нисбати **3 фоиздан ошмаслиги** режалаштирилган.

Иқтисодий фаоллик юқори бўлган шароитда харажатларнинг қўшимча кенгайиши ялпи талабни қўллаб-қувватловчи омил бўлиб хизмат қилади.

Марказий банк баҳолашларига кўра, юқори иқтисодий фаоллик, фискал рағбатлантиришлар, пул ўтказмалари ва инвестициялар таъсирида ишлаб чиқариш тафовути ижобий ҳудудда шаклланмоқда.

Бу келгуси чоракларда талаб томонидан маълум бир инфляцион босим сақланишини англатади.

Айни пайтда, инвестициялар ҳисобига потенциал ишлаб чиқариш қувватларининг кенгайиши ушбу босимни ўрта муддатда юмшатиши кутилмоқда.

Юқоридаги омилларни инобатга олиб, 2026 йил якунлари бўйича ялпи ички маҳсулот ўсиши бўйича прогноз 7,5-8 фоизгача оширилди (аввалги прогноз 7–7,5 фоиз).

Учинчидан, ташқи иқтисодий шароитлар аввалги даврга нисбатан биров ёмонлашди. Бу асосий савдо ҳамкор мамлакатларда иқтисодий фаоллик динамикасининг мўътадиллашуви, жаҳон хомашё бозорларидаги нархларнинг юқори тебранувчанлиги ҳамда геосиёсий ноаниқликларнинг юқори даражада сақланиб қолаётганида намоён бўлмоқда.

Яқин Шарқдаги геосиёсий кескинликлар ва таъминот занжирларидаги узилишлар хомашё бозорларида тебранувчанликни сақлаб турибди. Савдо ҳамкорлардаги ёнилғи таклифи билан боғлиқ узилишлар импорт нархлари орқали ички нархларга босим ўтказиши мумкин.

Халқаро Валюта Жамғармасининг янгиланган прогнозларига кўра глобал инфляция ўсиш тенденциясига қайтган. Хусусан, 2026 йил учун глобал инфляция прогнози **4,4 фоиздан 4,7 фоизга** юқорига қайта кўриб чиқилди.

Шу билан бирга, сунъий интеллект технологияларига инвестициялар давом этиши глобал иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватламоқда. **Жаҳон иқтисодиёти** жорий йилда **3 фоизга** ўсиши кутилмоқда.

Реал самарали алмашув курси июнь ойида йил бошига нисбатан **2,4 фоизга қадрсизланди**. Ушбу динамика асосан савдо ҳамкорлар валюталарининг мустаҳкамланиши ҳисобига шаклланди.

Савдо ҳамкорлардаги алмашув курслари жорий тенденциялари, фаол хорижий инвестициялар оқими давом этиши ҳамда жаҳон хомашё бозорлардаги нисбатан қулай нарх конъюнктураси ҳисобига ички валюта бозорида кескин босимлар кутилмаяпти.

Тўртинчидан, пул-кредит шароитлари умуман олганда қатъийлигича қолмоқда: ижобий реал фоиз ставкалари жамғаришни рағбатлантириб, миллий валютада кредитлаш ўсишининг мўтадиллашувига хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, банк тизимидаги юқори ликвидлик профицити пул бозори шароитларига қисман юмшатувчи таъсир кўрсатмоқда.

Инфляцион кутилмаларнинг пасайиши фонида реал ставкалар ижобий ва етарлича қатъий даражада шаклланмоқда. Июнь ойида аҳоли депозитлари бўйича реал ставкалар **8,3 фоизни**, юридик шахслар депозитлари бўйича **4,9 фоизни** ташкил этди.

Шунингдек, аҳоли кредитлари бўйича реал ставкалар **10,3 фоизни** ва корпоратив кредитлар бўйича **10,8 фоизни** ташкил этди.

Бу шароитлар жамғаришга мойилликни қўллаб-қувватлаб, кредитга бўлган талабнинг ҳаддан ташқари тезлашишининг олдини олишга хизмат қилмоқда.

Натижада 2026 йил 1 июль ҳолатига банк тизимидаги **жами депозитлар қолдиғи** ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **38 фоизга** ўсиб, **350 трлн сўмни** ташкил этди. Бунда **миллий валютадаги депозитлар** ҳажми ошиши **46 фоизга** етди.

Шу билан бирга, депозитлар долларлашувининг пасайиш тренди миллий валютада жамғаришга мойиллик кучайиб бораётганидан далолат бермоқда.

Миллий валютадаги жамғармаларнинг ўсиши, ўз навбатида, пул-кредит трансмиссиясини кучайтириб, банк тизимининг ички ресурс базасини мустаҳкамламоқда.

Келгуси даврда Марказий банк ликвидликни фаол бошқариш орқали пул бозори ставкаларини асосий ставкага яқин шакллантиришни давом эттиради. Бу кредитлаш ўсишининг мувозанатли бўлиши, жамғариш жозибадорлигини рағбатлантириш ва монетар омилларнинг инфляцияга таъсирини чеклаш учун муҳим ҳисобланади.

Бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодиёти юқори инвестициялар, тариф ислоҳотлари, ташқи савдо ҳамда молиявий оқимлардаги ўзгаришлар билан боғлиқ таркибий трансформация босқичидан ўтмоқда.

Бундай шароитда нархлар барқарорлиги мазкур ислоҳотларнинг узоқ муддатли самарасини таъминлайдиган асосий таянчдир.

Марказий банк Ҳукумат билан биргаликда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш бўйича чораларни мувофиқлаштирган ҳолда инфляцияни 5 фоизлик мақсадли даражага пасайтиришга қаратилган сиёсатни давом эттиради.

Бунинг учун ҳозирги босқичда пул-кредит шароитларининг эришилган қатъийлигини давом эттириш, аҳоли ва бизнес кутилмаларини янада пасайтириш ва уларни паст даражада мустаҳкамлаш муҳим ҳисобланади.

Юқорида келтирилган омилларни ҳисобга олиб, ўрта муддатли истиқболда нархлар барқарорлигини таъминлаш мақсадида Марказий банк бошқаруви асосий ставкани ўзгаришсиз, **14 фоиз** даражасида қолдириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Марказий банк инфляция динамикаси, инфляцион кутилмалар, ялпи талаб ва ташқи хатарларни диққат билан кузатиб боради. Келгуси қарорлар инфляциянинг барқарор тренди, базавий инфляция, инфляцион кутилмалар, ялпи талаб ва ташқи хатарлар динамикасига асосланади.

Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати инфляцияни ўрта муддатда **5 фоизлик мақсадли даражагача** пасайтириш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва аҳолининг харид қобилиятини сақлашга қаратилган бўлиб қолади.

Эътиборингиз учун раҳмат!